XI. МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ

Бирламчи маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 март ҳолатига вилоятда жами фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг молиявий натижаларига асосан уларнинг фойдаси 38959,2 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 298,3 фоизга (25897,1 млн.сўм кўпайган.)

Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналардан олинган фойда 5582,8 млн.сўмни ташкил қилди.

2019 йилнинг 1 март холатига вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги фойда ҳажми (бюджет ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ширкат хўжаликларидан ташқари) 38959,2 млн.сўмни ташкил қилди. Молиявий натижалар бўйича фаолият кўрсатаётган 5 та корхона 2386,5 млн.сўм зарар кўрди.

Умумий ҳажмга нисбатан олинган фойданинг асосий қисми, яъни 85,3 фоизи Наманган шахрига (33293,1 млн.сўм), 5,2 фоизи Тўрақўрғон туманига (1994,5 млн.сўм), 2,9 фоизи Учқўрғон туманига (1126,1 млн.сўм), 2,3 фоизи Поп туманига (912,2 млн.сўм) тўғри келди.

2019 йилнинг 1 март ҳолатига вилоят бўйича 5 та корхона фаолиятини зарар билан якунлади. Шу жумладан 5 та корхона Наманган шахрида жойлашган булиб, 1 та корхона коммунал ва 3 та корхона ишлаб чиқариш, 1 та корхона хизмат кўрсатиш сохасида фаолият юритади, кўрилган умумий зарар миқдори 2386,5 млн.сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 март ҳолатига корхона ва ташкилотлар бўйича дебитор қарздорлик, 813200,7 млн. сўмни ташкил этиб, (2018 йил 1 мартга нисбатан) 36178,1 млн.сўмга кўпайган, муддати ўтган дебитор қарздорлик эса 6817,6 млн.сўм бўлиб, муддати ўтгани жами дебиторликнинг 0,8 фоизини ташкил этди.

2019 йилнинг 1 март ҳолатига кредитор қарздорлик 1437485,1 млн.сўмни ташкил этиб, (2018 йил 1 мартига) нисбатан 268537,1 млн.сўмга ортган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик 6283,6 млн. сўмни ташкил этиб, умумий кредитор қарздорликнинг 0,4 фоизини ташкил этди.

Дебиторлик қарздорликнинг умумий кредиторлик қарздорликдан устунлиги 624284,2 млн.сўмни ташкил этган, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорлик эса муддати ўтиб кетган кредиторлик қарздорликдан устунлиги 534 млн.сўмни ташкил этди. Муддати ўтган кредитор қарздорликнинг аксарият қисми Мингбулоқ туманида (1364,3 млн.сўм) , Учқўрғон туманида (1069,1) тўғри келди.

2019 йилнинг 1 март ҳолатига мониторинг ўтказилган вазирликларда умумий дебитор қарздорлик ҳажми 520059.4 млн. сўмни ташкил этиб, вилоят бўйича умумий дебитор қарздорликнинг 64.0 фоизига тўғри келди.

Кредитор қарздорлик ҳажми 969429.5 млн. сўмга тенг бўлиб, вилоят бўйича умумий кредитор қарздорликнинг 67.4 фоизига тўғри келди.

2019 йил 1 март ҳолатига корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

	Фойда, зарар (+,-) млн.сўм	***Ўтган даврга нисбатан фоизда***
Вилоят бўйича	**38959,2**	**298,3**
Наманган ш.	33293,1	561,8
Туманлар:		
Мингбулоқ	91,1	135,1
Косонсой	5,9	6,1
Наманган	694,6	541,9
Норин	212,4	75,7
Поп	912,2	72,6
Тўрақўрғон	1994,5	54,8
Уйчи	92,4	68,7
Учқўрғон	1126,1	115,5
Чортоқ	59,2	101,8
Чуст	477,7	103,2
Янгиқўрғон	-	-

2019 йил 1 март ҳолатига зарар билан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар

	Зарар билан ишлаётган корхоналар сони	*Умумий корхоналар сонига нисбатан фоиз ҳисобида*	*Зарар миқдори, млн.сўм*
Вилоят бўйича:	**5**	**5,9**	**2386,5**
Наманган ш.	5	5,9	2386,5
Туманлар:			
Мингбулоқ	-	-	-
Косонсой	-	-	-
Наманган	-	-	-
Норин	-	-	-
Поп	-	-	-
Тўрақўрғон	-	-	-
Уйчи	-	-	-
Учқўрғон	-	-	-
Чортоқ	-	-	-
Чуст	-	-	-
Янгиқўрғон	-	-	-